



ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

ТАШУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ

мажбурий суғурта қилиниши белгиланмоқда

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида бир нечта қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Дастлаб «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Аввало, айтиш керакки, қонун лойиҳасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиб-қоидалари белгилаб берилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг барча турларида ташишни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарарнинг қопла-нишини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга масалалар.

— Фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида электротранспорт манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев. — Қонун лойиҳасида ташувчининг жавобгарлигини кучайтириш, фуқаролар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича аниқ ҳуқуқий механизм яратиш масалаларида фикр-мулоҳазалар бил-



дирилди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги иш ўринлари яратиши, суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига имкон беради.

Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишдан сўнг маъқуллади.

Йиғилишда, шунингдек, «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Респуб-

ликсининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқилди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Феруза Эшматованинг фикрича, ушбу қонун лойиҳаси ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиниши билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар ҳаётга тўлиқ жорий этилиши учун шароит яратишни назарда тутди.

Бу борада қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича маъмурий чоралар белгиланмоқда. Фракциямиз қонун лойиҳасининг ушбу йўналиши юзасидан айрим мулоҳаза ва таклифларини берди.

Депутатлар кун тартибдаги бошқа масалаларни ҳам атрофлича муҳокама этишди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Санжар ШОТЎЛАТОВ ошган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

5

КУН ҚОЛДИ

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ТЕНГЛИК ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИДА ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун халқаро кузатувчилар, етакчи экспертлар мамлакатимизга келмоқда. ЎЗА мухбирлари улардан айримларининг мазкур сайлов кампаниясига оид кузатувлари, юртимиз ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.

Ли ИХАЙ,

Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг
Халқаро департамент директори (Хитой):

— Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Мамлакатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги юксалишлар, шаҳар ва қишлоқлардаги улкан ўзгаришлар эътиборга молик.

Ўзбекистон ғоят муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди. Мамлакат Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари, тарғибот-ташвиқот ишлари билан яқиндан танишиб чиқдим. Барча номзодларнинг дастурлари ўзига хос

ва долзарб аҳамиятга эга. Телевидениеда сайловолди ташвиқотлари учун номзодларнинг ҳаммасига тенг эфир вақти, матбуот саҳифаларида бир хил жой ажратилган. Бу омил барча номзодлар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилганидан далолат беради. Ўзбекистонда сайловолди ташвиқотлари тенглик, соғлом рақобат муҳитида юксак демократик стандартлар асосида ўтмоқда.

Парвиз МОРВИЖ,

Нью-Йорк давлат университети профессори,
«Глобал илмий нашрлар» маркази директори (АҚШ):

— Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугун унинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу мамлакатининг демократия ва бозор иқтисодиётига оид ислохотларни амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида, давлатининг минтақада барқарорлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари бераётган самараларда ўз ифодасини топтомоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайлов жараёнини бевосита кузатиб, бу сиёсий тадбирга мамлакатда жуда катта тайёргарлик кўрилганига ишонч ҳосил қилдим. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг мамлакатининг барча ҳудудларида сайловчилар билан учрашувларини, сай-

ловолди ташвиқотларини катта қизиқиш билан кузатиб келяпман. Сайловчиларнинг номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга экани, аҳоли ва сайлов органлари ўртасидаги алоқа фаоллиги диққатга сазовор. Буларнинг барчаси мамлакатининг Президент сайловининг очиклик, ошқоралик, адолатлилик тамойилларига тўла мувофиқ, халқаро стандартларга мос ҳолда ўтишини таъминлайди.

Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни мунтазам кузатиб бораман. Мамлакатининг узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат тўғрисида, бу сиёсий тадбирга мамлакатда жуда катта тайёргарлик кўрилганига ишонч ҳосил қилдим. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг мамлакатининг барча ҳудудларида сайловчилар билан учрашувларини, сай-

ЎЗА

САЙЛОВ — 2015

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ЎЗХДПдан
НОМЗОД ҲОТАМЖОН
КЕТМОНОВНИНГ ИШОНЧЛИ
ВАКИЛИ ҚУВВАТБОЙ ҚУРБОНБОВ
НУКУС ШАҲРИДА САЙЛОВЧИЛАР
БИЛАН УЧРАШДИ.
УЧРАШУВНИ 32-САЙЛОВ
УЧАСТКАСИ РАИСИ ДАРИЯБАЙ
РАМБЕРГЕНОВ ОЧДИ.

Шундан сўнг ишончли вакил сайловчиларни номзоднинг таржimai ҳоли, унинг дастури билан таништирди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, пенсия тизимини такомиллаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги таклифлар долзарб эканини таъкидлади.

Номзоднинг дастурида илгари сурилган таклифлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Сайловчилар унинг ҳаётининг муҳим жиҳатлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

2

Маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналари ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарлари ишлаб чиқариши учун уларни иқтисодий ҳамда молиявий рағбатлантириш, имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод
Ҳотамжон Кетмоновнинг дастуридан

Халқаро кузатувчилар

сайловлар қонуний ва адолатли ўтказилишининг муҳим институтидир

29 март кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик ишларини қатор халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар вакиллари кузатиб бормоқда.

Халқаро кузатувчиларнинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Улар қайси халқаро ташкилотлардан ташриф буюради? Умуман, халқаро кузатувчилар сайлов жараёнида қандай ўрин тутати?



Ана шундай саволлар билан Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзодаи Хушвак ҲАЙИТОВга мурожаат қилдик.

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига кўра, Президент сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов

комиссиялари очик ва ошқора амалга оширади, — дейди у. — Яъни, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кuni овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар сайлов жараёнидаги ошқоралик ва шаффофликни таъминлашда муҳим ўрин тутати.

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Президентликка номзод
Ҳотамжон Кетмонов
сурхондарёлик сайловчилар
билан учрашди

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарига қандай масалалар юзасидан мурожаатлар бўлмоқда?

Ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда

— Партияимизнинг устувор ғояларидан бири ижтимоий ҳимоядир, — деди учрашувда сўзга чиққан ҲХДП фаоли, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицей директори ўринбосари Абдул Ансатбаева. — Президентликка номзоднинг дастурида бу тизимнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ўрин олган. Яъни, уйда ўтирган аёллар, имконияти чекланганлар, касб-хунар коллежини битирган ёшлар учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларни касаначиликка кенгрок жалб этиш, оилавий тадбиркорлик шакллари кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, уларни ижтимоий фаол қатламга айлантириш чораларини кучайтириш лозимлиги қайд этилган. Бу таклифлар боқимандалик кайфиятига барҳам беришда, жамиятда ижтимоий-иқтисодий фаоллик янада орттиришда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Учрашувда, шунингдек, ҲХДП фаоли Алтиш Сапарниязова, 13-мактабгача таълим муассасаси мудири Зибагул Самиярова ва бошқалар сўзга чиқиб, сайловда Хотамжон Кетмоновнинг номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Сурхондарё вилояти Жаркўргон туманида Президентликка номзод Хотамжон Кетмоновнинг ишончли вакили Чори Жумакулов сайловчилар билан учрашди.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Учрашувни ҲХДП Жаркўргон туман кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Алишер Маматмуродов очиб, сайловнинг мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Бизнинг номзод бозор иқтисодиёти тамойиллари изчил жорий қилингани сари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳам такомиллашиб бориши лозим, деб ҳисоблайди.

Ишончли вакил йиғилганларга номзоднинг дастури тўғрисида батафсил маълумот берди.

— Дастурда асосий эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган, — деди ишончли вакил. — Шунингдек, қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини яхшилаш чоралари кўзда тутилгани аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўла-

ди. Булардан ташқари, дастурда янги иш ўринлари яратиш, айниқса, хотин-қизлар ва қол-қол битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича таклифлар берилган. Улар мамлакатимизда бандлик билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Самимий руҳда ўтган учрашувда сайловчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Туманимизда партияимиз аъзолари сафи йил сайин кенгайиб бормоқда, — дейди Жаркўргон спорт коллежи директори, халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты Абдумутал Арабов. — Демак, партияимиз ғоялари аҳолига, одамларга маъқул келяпти. Партия ташкилотлари, депутатлар амалга ошираётган ташаббуслар электротан манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита бўлмоқда. Шу боис, биз Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмоновнинг дастурида илгари сурилатган ғояларни қўллаб-қувватлаймиз.

— Аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш оилалар фаровонлиги ошишида, ҳар бир одам ҳаётидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ бўлиб яшаишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Турдалиев. — Шу маънода Президентликка номзод Хотамжон Кетмонов дастурида илгари сурилган ғоя ва таклифлар аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хиз-

мат қилиши билан эътиборга молик. Хусусан, номзоднинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича сай-ҳаракатларини фаоллаштиришга қаратилган таклифлари менга маъқул келди. Чунки мазкур соҳани ривожлантириш орқали иш ўринлари очиб, одамларга муносиб турмуш шароити яратиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш қафолати мустаҳкамланади.

Учрашув сўнггида ишончли вакил сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди ва уларни Президент сайловда Хотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Президентликка Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хотамжон Кетмоновнинг ишончли вакили, ҲХДП Сирдарё вилояти кенгаши раиси Алишер Тошматов Сирдарё туманида сайловчилар билан учрашди.

Учрашувни 212-Наврўз участка сайлов комиссияси раиси Мирқамол Бобоев очди. Ишончли вакил сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Номзод дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш, кам таъминланган оилалар манзилли ижтимоий ҳимоясининг самарадорлигини янада ошириш, аҳоли-

га юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, мазкур масалаларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди.

— Бизнинг номзод бозор иқтисодиёти тамойиллари изчил жорий қилингани сари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳам такомиллашиб бориши лозим, деб ҳисоблайди, — деди ишончли вакил. — Чунки, у нафақалар ва моддий ёрдам аниқ манзиллилик асосида кам таъминланган оилалар, кексалар ва болаларга берилишини тақдир қилади. Шунингдек, унинг дастурида яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини микрокредитлаш ва микро-молиялаш тизимини янада такомиллаштириш таклифи ҳам акс этган.

Учрашувда Президентликка номзоднинг дастури юзасидан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўринбосари Шоҳида Йўлдошева, «Нуридин-А» фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Абдуллаев, 15 — умумтаълим мактаби директори Хосият Абидова ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг таклифларини қўллаб-қувватлашларини билдирди, сайловчиларни Хотамжон Кетмонов учун овоз беришга чақирди.

Зулайхо АРТИКОВА, Абдумалик ХАЙДАРОВ, Уктам АБДУЛЛАЕВ

МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ



ҲАР БИР ЛОЙИҲА

электротан манфаатига хизмат қилмоғи лозим

■ Нафақат оила, балки бутун маҳаллага бош-қош бўладиган, ҳеч кимдан маслаҳатини аямайдиган, ёшларга ўз ўғитлари билан тўғри йўл кўрсатадиган буви-боболаримиз, ёши улғу инсонлар ҳаётнинг кўркидир. Маҳаллада бирор-бир тадбир уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Мирзо Улуғбек туманидаги «Нодирабегим» маҳалласига борганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

ҲХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» мавзусидаги давра суҳбатда ташкилотчилар, партия фаоллари билан бирга маҳалланинг қўллаб-қувватлаш ишлари широк эди.

Тадбирда аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, бу жараёнда ҲХДП ташкилотлари ва гуруҳларининг иштирокисини кучайтириш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ҲХДП гуруҳи раҳбари Хайдар Бобохонов «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасининг партия электротан манфаатини ҳимоя қилишдаги аҳамияти тўғрисида фикр юритди.

— Лойиҳа орқали аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги дастурларнинг бажарилишини, қонунлар ижросини ўрганиш ва уларни ҳал этишни ният қилганмиз, — дейди у. — Электротан манфаатига хизмат қиладиган масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари, доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқиш, шу асосда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция-мизга қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш кўзда тутилган. Имон қадар ҳар бир иштирокчининг фикри, таклифларини ўрганишга ҳаракат қилиялмиш. Улар партияимиз амалий ишлари, ташаббусларига асос бўляпти.

Давра суҳбатда ҲХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Акмал Турсунбоев ўтган давр мобайнида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан электротан манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

— Юртимизда маҳалла қадимдан одамлар ҳаёти-

да муҳим ўрин тутиб келган, — дейди у. — Шу боис партияимиз маҳалланинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Кексаларни эъзозлаш йилида мазкур лойиҳа доирасида мазкур Тошкент шаҳри, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги маҳаллаларда шу каби давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда ёши улғу, ҳаётнинг аччиқ-чучуқини тотган инсонларнинг иштирокисини таъминлаш, уларнинг фикрлари, маслаҳатларига таяниб иш тутишни режалаштирдик.

Мирзо Улуғбек тумани бандлиққа қўмақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бош мутахассиси Холмид Махмудова меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчилари, аёллар ҳамда жисмоний имконияти чекланган кишиларни ишга жойлаштириш масалаларида ишлар ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмараси туман бўлими бош ҳуқуқшуноси маслаҳатчиси Раъно Абдурахимова фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этиш, фуқароларга пенсиялар, фўтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш тартиби, туман солиқ инспекцияси бош инспектори Бахтиёр Хикматов солиқ енгилликлари ва имтиёзлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан турли ижтимоий масалалар бўйича таклиф-мулоҳазалар берилди. Уларни халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи йиғилишида кўриб чиқиш бўйича вазифалар белгиланган.

Гулрух ОДАШБЕКОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАҚИДА САВОЛИМ БОР...»

Ўз хоҳиш-иродангизни эркин билдириш ҳуқуқингиз қафолатланади



Шухрат ТУРСУНБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ҲХДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонунда сайлов бюл-



Зулайхо АҚРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ҲХДП фракцияси аъзоси:

— Албатта, фуқароларнинг сайловчилар рўйхатлари билан танишиш, сайловчилар рўйхатидаги ноаниқликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқлари қонуна қафолатланади. Дастлаб сайловчиларнинг рўйхати тузи-

— Мен бу йил Президент сайловида илк бор иштирок этаман. Сайловга тайёргарлик жараёнини мунтазам кузатиб бораёман. Сайлов бюллетени ҳақида тўлиқ тushунчага эга эмасман. Шу ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Мухлиса МАМАДАЛИЕВА, Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ходими.

ленининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади, дея белгилаб қўйилган. Номзодлар ҳақидаги тўлиқ маълумот сайлов бюллетенига алифбо тартибда киритилади. Сайлов бюллетенида уни тўлдириш ҳақида тушунириш бўлиши керак. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг фармойи-

шига биноан сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида давлат тилида нашр этилади. Оқруқ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сайлов округининг кўпчилиги аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин. Участка сайлов комиссиялари сайловга камида уч кун қолга-

— Бордию мен сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган бўлсам ёки сайлов куни сайлов участкасига вақтида етиб бора олмаган, бошқа сайлов участкасига бориб, овоз беришим мумкинми? Агар рўйхатда ноаниқликлар юзага келса, шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланганми?

Самандар РАХИМОВ, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қурилма бошлиғи.

лади, яъни сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудига доимий истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади. Лекин сайловчи бошқа сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

Сайловчиларнинг рўйхатлари олиб ва бориш қўйин бўлган жойларда тузилган сайлов

участкаларида сайловдан икки кун олдин, бошқа барча жойларда сайловдан ўн беш кун олдин ҳаммининг танишиб чиқиш учун тақдим этилади. Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг биносидан сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имкони таъминланади.

Ҳар бир фуқаро рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунинг-

нида округ сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари ёки котиб имзоси билан тасдиқланган сайлов бюллетенларини оладилар. Участка сайлов комиссияси оладиган бюллетенларнинг сони участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан ярим фойздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

дек, рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик хусусида шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Аризани участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафасида ва сайлов куни эса дарҳол кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритиши ёки аризага унинг талаби инobatта олинмаганлиги тўғрисидаги асосланган қарорнинг бир нусхасини бериши шарт. Фуқаро талаби инobatта олинмаганлиги ҳақидаги қарор устидан ўз ҳудудидида судга мурожаат қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига дарҳол тузатиш киритади.



Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ҲХДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти учун овоз бериш жараёнилари ақунлангач, сайлов натижалари қай йўсинда аниқланади? Муножат РАҲАБОВА, Сирдарё вилоятидан, ўқитувчи.

— Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг баённомалари асосида округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини аниқлайди. Шундан сўнг, сайлов бюллетенлари ҳамда варақаларини олган сайловчиларнинг сони ҳамда овоз беришда иштирок этганларнинг умумий сони таққосланади. Ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар алоҳида-алоҳида санаб чиқилди. Шунингдек, ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетен ҳамда варақалар нисбати инobatта олинади.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссия мажлисида аниқланади ва баённомада акс эттирилади. Баённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланган, белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.



■ ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ШАХСАН ОВОЗ БЕРАДИ, БОШҚА КИШИЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



■ ОВОЗ БЕРИШ КУНИ САЙЛОВЧИЛАР БУЗИБ ҚЎЙИЛГАН САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИНИ ЯНГИСИ БИЛАН АЛМАШТИРИШЛАРИ МУМКИН. САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИНИ АЛМАШТИРИБ БЕРИШНИ ТЕГИШЛИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АМАЛГА ОШИРАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ЎзХДПдан кўрсатилган номзоднинг дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим вазифа белгиланган.

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!



2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!



ШУКРОНАЛИК

Фаришта момолар, доно боболар

■ «Олтин водий» Дўстлик туманидаги обод ва кўркем қишлоқлардан. Бу ерда Наврўз тантаналари ҳар йили очик осмон остида, кўкаламзор қирларда, муҳташам тўйхоналарда ўтказилади. Қаерда бўлмасин, қишлоқ кексалари, фаришта момолар, доно боболар бу давраларнинг тўрида бўлишади.

— Қишлоғимизда 290 нафар меҳнат фахрийси бор, — дейди «Олтин водий» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ортиқбой Ражабов. — Улар Наврўз тадбирлари бошида туриб, ўрнак кўрсатаяпти, барча ишларда кўмакдош бўлаяпти.

Қишлоқнинг ёши улуғларидан бири — 85 ёшли Мухайё момо Абдужалиловани уйдан топдик. Саранжом-сариштали ҳовли гавжум, хотин-киз, кўни-қўшнилари биргалашиб, сумалак пишираётган экан. — Мухайё аямиз қишлоғимизнинг фахри. У киши билмаган юмуш йўқ. Барчамиз уй-рўзгор ишлари, оиладаги муаммолар, фарзандлар тарбияси тўғрисида, аввало, шу кишига маслаҳат соламиз, — дейишди аёллар. — Мана, момомиз бошчилигида

яхши ният билан сумалак қиляпмиз.

— Наврўз тириклик байрами, айланай, — дейди Мухайё момо. — Кўшиқ айтиб кўнгиллар ёзилади, йиғитлар отчопар, улоқ, кураш сингари ўйинлар ўтказилади. «Хўроз жанги», «қўқор уриштириш», «арқон тортиш», «чиллак», «ким ўзар», «қочар тўп», «оқ теракми — кўк терак», «беш тош», «варрак учирш» каби турли халқ ўйинлари, байрам сайли бўлади. Аёлларимиз чучвара, ялпиз сомса, сумалак каби тансиқ таомлар пиширишади.

Кўнгил бобо дейишса, қишлоқда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма билади. Бобо умрининг саксон саккизинчи баҳорини қаршилаяпти. Лекин ҳали тетик ва бардам. Лозим пайтда талабчан, кези келганда

меҳрибон. Отақонни қишлоқ четидидаги богда, дарахт кўчати ўтказётганлар даврасида учратдик.

— Умрим далада, дехқончиликда ўтган, болам, — дейди у. — Не бир қийин давраларни кўрмадик. Оч-юпун қолган кунларимиз кўп бўлган. Жонимизни жабборга бериб ишласак ҳам косамиз оқармасди. Ўзбекистон мустақил бўлди-ю, елкамизга офтоб теғди. Шунинг учун ёшимни сўраганларга ҳазил аралаш «Йигирма тўртдаман» дейман. Тўғриси ҳам одамга ўхшаб яшаётганимизга йигирма тўрт йил бўлди-да.

«Олтин водий»лик саксон тўрт ёшли Жўллубой ҳожи Собиров ва умр йўлдоши — саксон бир ёшли Қониқой ая Собирова, саксон уч ёшга кирган Қодир ҳожи Турдибеков, саксон ёшли Бекназар бобо Усмоновлар ҳам бугун Наврўз дастурхонининг тўрида, иззатикромда. Уларнинг ҳаёт йўли, яхши фазилатлари ёшларга намуна.

— Бугунгидай дориламон кунларга, Наврўз байрамига етказганига шукр, — дейди

Ўттам бобо Фафоров. — Очиғи, бундай фаровон, тўқис турмуш тушимизга ҳам кирмаган. Қаранг, ҳамманинг чехрасида шоду хуррамлик. Бизга ўхшаган кексаларнинг аҳолидан хабар олинапти, биз эса кўлимизни дуога очиб, эл-юртимизга тинчлик-хотиржамлик, фарзандларимизнинг бахтини сўраймиз. Ўрта-миздаги меҳр-оқибат, дастурхонимиздан файзу барокат асло кўтарилмасин, дей-миз.

Наврўз айёми арафасида «Олтин водий» қишлоғида истикомат қиляётган ногирон, кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олинди, уларга совға-саломлар, баҳор айёмининг тансиқ таомлари улашилди.

Айни кўклам кунларида қишлоқда дов-дарахтлар ўтказиляпти, гуллар экиляпти, сув йўллари тартибга келтирилиб, бог-роғлар барпо этиляпти. Бу каби ишларда кексалар бош бўлишапти.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА



ХАЛҚ БАНКИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини Наврўз — умумхалқ байрами билан муборакбод этади.
Ушбу қувончли кунларда хонадонингизга тинчлик, фойз-барака, дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилайди.
Диёримиз осмони мусаффо, турмушимиз янада фаровон бўлсин!



РЕКЛАМА

НАВРЎЗ айёми билан
Сизни муборакбод этамиз!
Соғлиқ, қувонч, зғулик, тинчлик
ва фаровонлик
Сизларга хамиша ёр бўлсин!

InfinBANK

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
21 236
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 22.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5